

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

● Бусун Алишер Навоий номидаги Катта академик театрида Ёш ватандошларнинг халқаро анжумани очилди. Кеча анжуман қатнашчилари Тошкентдаги катор йирик саноат корхоналарида бўлдилар, Тошкент Давлат дорилфунуни жамоаси билан учрашдилар ҳамда амалий санъат музейи экспонатлари билан танишдилар.

● Киш бўсағасида Андижонда йирик иссиқлик қувурини фойдаланишга топширилди. Андижон гидролиз завоидан бошланадиган ушбу қувур орқали узатиладиган иссиқ сув бир неча минг уй-жой, шунингдек мактаб, даволаш муассасалари ва бошқа ташкилотларни иситида.

● «Узспецстрой» мутахассислари Жазорда ичкилик сув қувурларини пармалайдиган бўлдилар. Улар бу ҳақда ушбу мамлакатнинг «Совети» фирмаси ва йирик банклардан бири билан ўн йил мuddатга шартнома имзолашди. Келгусида «Узспецстрой» Жазорда янги уй-жой мазедаларини ҳам қуриб беради.

● Ўзбекистонда маҳсулот ефтигини баҳолайдиган хусусий фирма фаолият кўрсата бошлади. «Тошкент» бижриси ва Ўзбекистон Давлат қурилиш комитети томонидан тасвир этилган ушбу фирма истеъмолчиларни сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилади.

● Кеча Тошкентдаги Киночилар уйда француз фильмлари фестивали бошланди. 13 ноябргача бу ерда жаҳон киноси юлдузларидан бири Жан-Люк Годарнинг 12 бадийи фильми намойиш этилади.

ЁШ ВАТАНДОШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

ЎЗБЕК ЭКАНЛИГИМИЗНИ УНУТМАГАНМИЗ

* Суз-анжуман қатнашчиларига

Азиз ёш ватандошлар! Кўхна Туркистон заминига — ота-боболарингиз юртига ташрифингиз билан муборакбод атаман.

Сизу биз бир ота-онанинг фарзандларимиз. Даврларнинг адасида туғулган, аёвсиз қатагонлар, истибдогга асосланган сиебат сизу бизни бир юртда яшаш бахтидан беэасиб этди. Қисматларимиз айри тушса-да, этни тирноқдан ажратиб бўлмаган, ҳар доим бир-биримизга ингилиб яшадик. Ал-Хоразмий, Имом Бухорий, Ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбандий, Аҳмад Йесауий, Амир Темур, Абу Райҳон Бериуний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Заҳриддин Бобур каби улуғларимизнинг руҳлари ҳаммаимизнинг бирлишига ундаб келди. Ўшундан, ана шу аждоғларимизнинг ўлмас руҳлари бугун ҳаммаимизни бу ерда — тинчлик ва дўстлик шаҳри — Тошкентда юз кўриштирди.

Ёш ватандошларнинг халқаро анжумани, шуҳасна, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг шарофатидир. Бу ёруғ кунларни ҳаммамиз узоқ, жуда узоқ кутган эдик. Юртимизни озод кўрмоқ орузида не-не буюк золаримиз жонларини фидо қилдилар, қўллари ўзга юрталарга бош олаб кет-

дилад. Уша эрксенар инсонларнинг фарзандлари бўлиши сизларнинг ота маконга қанчалар талпиниб яшаганингизни теран англаймиз ва учун гоёт қадрлаймиз.

Дунёнинг турли минтақаларида яшаётган ёш ватандошларнинг Тошкент учрашуви муқтадил Ўзбекистон равишига йўлида хизмат қилишига, келажакдаги эзу мақсадларимизнинг рўбга чиқиши учун қабул қилинган тевдор бўлишига астойдил ишонаман.

Хориқлик биродарлар, бу қадимий ватан бизники бўлгани каби сизники ҳамдир. Азиз ватанимизни гўлаб-яшатиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, уни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиз. Барча саъй-ҳаракатларимиз, ақду кучимиз ана шу эзу ишга қаратилмоғидир. Бунинг учун янада яқдид ва ҳамкор бўлмоғимиз зарур.

Бу олжаноб инятлар йўлида сизларга, сизлар орқали чет эллардаги барча ёш ватандошларга ва республикамиз ёшларига омад тилайман.

Мулосар Бобоқурбон (АҚШ): — 30-йилларда ота-онам қатонга ураб Афғонистонга кўчиб кетган эканлар. Бу ердан Туркияга, сўнгра АҚШга ўтганлар. Мен ана шу юртда туғилди-Усдим, Турмушга чиқдим, фарзанд бўлдим, болаларимни тарбиялаб вонга етказдим. Гарчи, Америкада яшаса-да, ўзбек эканлигимизни, миллати урф-одатларимизни унутмаганимиз. Уларга қатъий амал қилар эканмиз, доимо Ўзбек фарзанди эканлигимиздан фахрланамиз. Фурқатдан фойдаланиб, мен дунё ўзбекларини бир ерга тулпашга жаэм этган ташкилий комитет, қолаверса, мазкур хайрият тевдирни қўллаб-қувватлаган Ўзбекистон Республикаси ҳукумати га чуқур миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Нур Аҳмад (Туркия): — Ўзбекистонда бир неча маротаба бўлганман. Ва ҳар сафар ташрифим даворамида ҳар икки давлат ёшларининг қўп жиқатлари билан бир-бирларига ўхшашини кўриб, хайратда қолиб қолганман. Агар биз дўстлик, иттифоқликда яшасак беҳад қудратли кучга айланишимиз мумкин. Шунинг учун ҳам ўзбекистонлик ёшларга тилагимиз — хориқий мамлакатларга кўпроқ боришлар. Уларнинг ҳаёт тари билан танишишлар. Бу эса фойдалан ўзга нарсга келтирмайдик.

Анас ва Фирас ал-Бухорий (Сурия): — Ажабланарлиси шундаки, бугунги кунда қўллаб ёшлар чет давлатларга кўчиб кетиш истиғиди юрибдилар. Гўёки, у ерларда жаннатда яшагандек ҳаёт кечирадилар. 1980 йилда қадар хориқий давлатда истиқомат қилган ва мана 12 йилдикри, Ўзбекистонга қайтиб келиб, азалий юртимиз равақи йўлида ўқитган, меҳнат қилаётган инсонлар сифатида шу нарсани ишонч билан айтишимиз мумкинки, иқтисоди отир аҳволда бўлган мамлакатда ҳам яхши меҳнат қилина бийойидай яшаш мумкин. Ҳар ерни қилма оруз, ҳар ерда бор тошу тарози, деганлари ҳақ.

Буходир Аҳмедзода (АҚШ): — Менинг 11 фарзандим бор. Ҳазим эса асосан савдо-сотиқ, тижорат билан шуғулланаман. Аёлим — Сорахона бўлганлар. Ўзбек дерири биз учун ўта қадрлов бўлиб қолган. Хозирда ўқитган анжуман эса нафақат биз — ёш улуглар, балки зурриётларимиз ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга катта хизмат қилади, деган умиддаман. Насиб қилса, мен ҳам Тошкентда ўз хусусий фирмамнинг шохобчаларидан биричи очиш истиғидаман.



СУРАТДА: Ёш ватандошлар халқаро анжумани қатнашчиларидан бир гуруҳи. Рустам Шарипов сурати.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

РЕСПУБЛИКАДА ИҚTISODIЙ ISLOXOTNI ҚАРОРЛАР БАЖАРИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ТУГРИСИДА

Ўзбекистон иқтисодий ўзгаришларни кучайтириш, бозор муносабатларига ўтиш шариотида бозорларга оид энг мақбул қарорларни ишлаб чиқиш ва рўбга чиқариш учун давлат қарамоғида бўлмаган тузилмалар ва савдо-саноат фирмалари акцияларининг кенг иштирок этишини таъминлаш мақсадига:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Давлат назорат комитети ва унинг жойлардаги органлари таркибиде республикада иқтисодий ислохотни амалга ошириш мақсадларига доир қарорлар бажарилишини назорат қилувчи жамоат комиссиялари ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, жамоат комиссиялари энг тажрибали ва холис тевдиркорлар, фермерлар ва савдо-саноат доираларининг бошқа

АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР ЖАМОАТ ОПИРИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

ислохотлар қандай амалга оширилаётганини тахлил қилиш ва бундан Ўзбекистон ҳукуматини хабардор этиш;

— амалдаги норматив ҳужжатларнинг молиявий ва ҳўжалиқ механизмларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш, Республикада иқтисодий ислохотларни рўбга чиқаришни кучайтириш ва маддаллаштиришга қаратилган бошқарува оид қабул қилинган қарорлар ҳамда қонун ҳужжатларининг ҳуқуқий асосини янада тақомиллаштиришга доир тавсиялар ва тақлифлар ни ишлаб чиқиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Давлат назорати комитети бир ҳафта мuddат ичида иқтисодий ислохотни амалга ошириш масалаларига доир қарорлар бажарилишини назорат қилувчи жамоат комиссиялари тўғрисидаги нозомин тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикасининг Президентини И. КАРИМОВ, Тошкент шаҳри, 1992 йил, 2 ноябрь.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ХУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

БАҲОУДИН НАҚШБАНДИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 675 ЙИЛЛИГИГА ТАЙЕРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ УТҚАЗИШ ҲАҚИДА

Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:

1. Қўллаб-қувватлаш, улашмолар ва Маворуннаҳр муҳлисмонлари идорасининг 1993 йилда Шарқ халқлари таваққури тараққиётига катта хисса қўшган аллома Баҳоуддин Нақшбандий таваллудининг 675 йиллигини нишонлаш ҳақидаги тақлифлари қабул қилинсин.

2. Юбилей комиссиясининг таркиби тасдиқласин. Комиссия бир ой мuddат ичида Баҳоуддин Нақшбандий таваллудининг 675 йиллигига тайеРгарлик кўриш ва уни ўтқазиш тевдирларини ишлаб чиқиш, бажаришга киришсин.

3. Бухоро вилояти ҳокимлиги, Дин ишлари бўйича қўмитга, Маворуннаҳр муҳлисмонлари идораси ва Ўзбекистон Фанлар Академияси тегишли ташкилотлар билан бирга 1993 йилда Бухоро шаҳрида Баҳоуддин Нақшбандий таваллудининг 675 йиллигига бағишланган анжуман ўтқазилсин.

4. Ўзбекистон Фанлар Академияси ва Дин ишлари бўйича қўмитга:

— мазкур сана муносабати билан 1993 йилнинг сентябрий ойида илмий конференция

Шароф Рашидовнинг 75 йиллиги



сифатида эхтиром билан тилга оламиз. Зеро шаҳарнинг ўзи у кишининг фидойилигидан, муҳаббатидан сўзлаётгандек. Гавтамизнинг иккинчи саккизидаги «Кўтулу» назари баднасини ўқигач, шаҳримизда кўкка виқор билан буй чўзиб турган аjoyиб ва ноқир иншоотларнинг суратларига инғиқингиз тушсак, бунга яна бир қарра амни бўласиз, азиз муштери!

ТОШКЕНТ МЕЪМОРИ

«РЕСПУБЛИКА пойтахти қандай бўлиши керак? Қўлимдан келганча Тошкентни жаҳонга таниқил шаҳар, Шарқнинг буюк шаҳри қилишга бор кучимни аяманман...»

Бу раҳматли Шароф Рашидовнинг дил сўзлари эди. У сўзининг устидан чиқиб учун то умрининг сўнги дақиқаларигача интилди яшадик.

Бугун Тошкент деган уллу шаҳар, дўстлик, биродарлик, нон шаҳри борлигини Оснб, Африка, Америка, Европа ва Деярлик барча давлатлар билди. Оснб, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари XI Тошкент халқаро кинофестивали қатнашчилари салкам чорак асрдан бери она шаҳримиз ҳақида ширин хотирларини ҳаюртларига ҳикоя қилиб бериб чарчамаётганларига шубҳа йўқ. Улар Тошкент — бу жаҳоннинг Мехико, Париж, Лондон, Дек-

ОЙЛИК БОШЛАНДИ

ТОШКЕНТ шаҳрида 1 ноябрдан 1-декабргача бошдолаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитария ҳолатини яхшилаш бўйича кузги бир ойлик эълон қилинди. Тошкент шаҳар Хокимиятининг биринчи ўринбосари О. Ҳ. Аскарнов шу ҳақидаги кўрсатмани имзолади.

Ойлик давомида шаҳар бўйича жами 33,5 минг туп манзарали, 13,7 туп мевадори дархат ва санитария ҳолатини яхшилаш бўйича, 56,5 мингта бута экилиши, 4,2 гектар майдонда мевадори боғ барпо этилиши режаланган.

Район ҳокимликлари, бош бошқармалари, бошқармалар, жалб этиш топширилди.

ЖАМҒАРМА ҲИСОБИДАН

КЕЛГУСИ йил учун газета ва журналларга обуна масъуми 20 ноябргача узайтирилди. Бунга тўғри тушушун корхоналар, ташкилот ва муассасалар узларининг ишчи-хизматчиларини жамғарма ҳисобидан обуна қилишини тевлаштириб юборилди.

— Бизнинг корхонамизда турли миллат вакиллари меҳнат қилади, — дейди Урта Оснб электр аппаратлари илмий-ишлаб чиқариш бйрашмасининг бош директори Абдуманнон Алимбоев.

Ишдан уйингга қайтганда сўнг газета ва журналларини вақолаб, турмуш ингиликларини, қизиқчи мақоалаларини ўқиганга нима етсин. Биз буни ҳам пухта ўйладик. Бизлар учун «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари жуда қадрлов. Сабаби корхона меҳнатқашларининг эришган ятуқларини, яратилган ютуқларини яқиндан билганин билдириш бўлиб шу газеталар тарғиб этишди. Шунинг учун меҳнатқашларини ҳамда ёрдам бўлиб деб «Оқшом» газеталарининг 400 нусхаси учун сарфланган обуна ҳақини корхона жамғармасидан тўлашга аҳд қилдик.

Гулзода АВДУЛЛА қизин.

ҲАМДУСТЛИҚДА

● Россия Президентини Борис Ельциннинг 2 ноябрдаги фармони билан Шимолий Осетия ва Ингушетион Республикасида вазиат гоат кескинлашиб кетганлиги муносабати сабабли бу жойларда бир ой мuddатга факултада ҳолат жорий этилди. Ана шу давр мобайнида миллатлараро можабро минтақасини бошқариш учун муваққат маъмурият ташкил этилди. Ушбу маъмурият бошқариш этиб Россия ҳўкумати раҳбарининг ўринбосари Георгий Жика тайинланди. Сўнги хабарларга кўра осетинлар ва ингушлар ўртасида қуролли тўқнашулар давом этипти. Ҳалок бўлганлар ва жароҳланганлар бор.

● Буюкда Озарбайжон Давлат хавфсизлик комитетининг собиқ расми Вагиб Гусейнов қамоққа олинди. У 1990 йилда республикада содир бўлган воқеалар ҳамда Совет Армиясини Буюкда киритишда айбдор, деб топилди.

● Россия Федерациясини Олий Кенгаши комиссиясининг расми Александр Починюкнинг маълум қилишича, ҳозирги пайтда Россияда тинч пул ишлаб чиқариш амалда тўхтатилган. Бунга шу тевлар ишлаб чиқариш учун сарф-харажатларининг унинг қийматидан анча кўлиги сабаб қилиб кўрсатилди.

● Кечадан бошлаб Украина ташқи ишлар вазирлигини фуқароларга янги хориқий паспортларни расмийлаштиришга киришди. Улар беш йил мuddатга мўлжалланган бўлиб, Канадада таёёрланган.

● 1991 йил августиде давлат тўнтаришида айбланганлардан бири собиқ КПССнинг раҳбарларидан бири Олег Шенни қамоққондан бўшатилди. У ўзига қўйилган айблов иши билан танишиб ишлатилди ва соғлиги кескин ёмонлашганиги сабабли судгага ҳисдан озад этилган.

● Абхазия соғлиқни сақлаш вазирлиги бу ерда қуролли тўқнашулар бошланган 1992 йил 14 августдан буюн 355 киши ҳалок бўлганлиги ва 1381 киши жароҳланганлиги ҳақида баёнот берди. Аммо бу маълумотлар тўла эмаслиги, қурбонлар сонини анча кўп бўлиши эхтимолдан ҳоли эмаслиги ҳам таъкидланди.

ЎБУНА-93

«Тошкент Оқшом» газетаси — бу энг сўнги ингиликлар, энг қизиқарли поклар, энг зарур хабарлар!»

Шунингдек, рўзномаларда хабарлиқ телекўрсатувлар аёвсиз, раиғ-баранг эълон ва тижорат хабарлари чоп этилади.

Обуна бўтун Ўзбекистонда қўйилган ҳисобидан қилди.

Ҳар бир онланган дилдан суҳбатдошига айланган «Оқшом»га қилинг!

Яна бир бор эслатиб ўта-
 ● Бир ойга — 41 сўм 50 тенг.
 ● Бир йиллик обуна нархи — 310 сўм.
 ● Олти ойга — 255 сўм.
 ● Уч ойга — 137 сўм 50 тенг.

© Бир ойга — 41 сўм 50 тенг.
 «Тошкент оқшоми» Ўзбекистонда атғич уч-тўрт нашулар кеториде ҳафтасига беш мартадан чиқадиган газета эканлигини умунгуман!

Ушбу рақам «Тошкент оқшомининг» нашр кўрсаткичидир. Газетага 1993 йилги обуна 20 ноябргача узайтирилди. Обунани расмийлаштиришга шошилинг.

64690

ДАРЕНИ кузатганимиз? Унинг қирғоғига қанча яқин келсангиз шунчалик ажиб гузалликларга дуч келасиз, беҳиёр хайратга бериласиз. Сувнинг шунчалар кўз илғамас кудрати борлигига ҳайрон қоласиз. Назарингиз шарофатли, юлдузли инсонлар ҳам дарёларга моҳия бўлсалар керак. Улар ҳам қилган ишлари билан ҳеч маҳал кўнрақ кериб маънавийдирлар. Балки йиллар ўтиб уларнинг авюдлари фахрларидир юрадлар.

Килин шилтига қайноқчи, гайратли, ҳалқимиз билди бунча айтади, «Ерга урса, осмонга саччиладиган» бўлади. Унинг ишининг оғирлига уради. Тезроқ ном чиқарсам дейди. 40—50 йилларга етиб, қайнаб турган қўз бироз совуғач, анди ҳаётга бошчага кўз билан қарайди. Энди ўз умри беҳуда ўтди-йўғи — шунини билишни истайди. Бунчалар доно бўлмас, ҳаёт деган муаллим.

Вақти келса, битта ҳужрани тикловмай-миз, — дердилар раҳматлик отам, ҳар гал шаҳарга тушиб чиқайдиларди. — Шаҳарни таниб бўлмайд-я. Вой-буй, Беҳёғ томонларини қара, Тамоман бошқатлан қурилибди-я. Э, омон бўлсин, шу жойларни кўриданг киши. «Она шахрим, — дегим келди ҳар лаҳза. — Сен шунинг учун ҳам гузалсанки, сенинг кучоғингда санжиса табарруқ излар бор. Булар сени деб яшаган фарзандларининг қутлуг излари.

Одамзоддан қолдиган из. У 5 нурли ёки қора бир чизиқ бўлади. Нурли-бўлса, абадий юлдуз мисоли порлаб туради. Қора чизиқ мисоли бўлса, барчанинг дилига ранжу алам солади.

Худди шунингдек, ҳар йили шабаликларда ҳам фаол қатнашдилар. Халқлар Дўстлиги саройи кўрилди, бошқа биноларнинг тикланшича ишчилар қатори ишлаганиликлари ёнимда. Шу кун Марказий Комитетнинг барча ходимлари ҳам бир қишидек шабалик-линалардан хабарлар келиши осонлашади.

Халқлар дўстлиги саройи битиб қолмаган эди, Шароф ака бир кун келиб, тепага чиқиб кетдилар. Сарой рўнарасидаги Цирк биносига бироз қараб турдилар.

Иккалови бир ўқ бўйлаб жойлашганимиз? — деб сўрадилар.

Ха, — деб жавоб беришди лойиҳачилар. — Унда, кўчанинг иккала бетида қандай бинолар жойлашади? — деб сўрадилар Шароф ака.

Лойиҳачилар тунутиришди; Республика пионер ва ўқувчилар саройи, геология музейи, мусика мактаби.

Анави, чапдаги биро-чи? — Уни автомобиль йўллари министрлиги қурапти.

Тошкент ҳақида гап кетганида «Эзилладан олдинги Тошкент», «Эзилладан кейинги Тошкент» ибораларини тез-тез тилга оладиган бўлиб қолдик.

Авалларни Анҳорнинг иккала бети то Бешёғоча боргунча ҳибоб эди. Дарахтлар тағдида висол олдирди... Бунақа сўлим гушларни жаннатдан ҳам қидириб тополмасдингиз.

Кўчаларнинг иккала бетини айтмайсизми? Хали-хали эсимда, ҳозир қурилатган, ўн-ўн беш йилдан бери битмаётган Навоий ва Рашидов (собиқ Ленин) шохкўчаларнинг мулоҳишдаги маъмурий бинонинг ёнида Лоҳутий кўчаси бўлади. Бирим сўлим эдикки... Инки четдаги ариқларда жидларча зилол сув оқарди.

Қанқар маҳаллани айтмайсизми? Хувармаңлар, санъаткорлар маҳалласи эди. Уша маҳаллада Шукур Бурҳон кўп бор бўлган эди. Уша маҳалла Тошкентнинг энг катта маҳалласи эди, энг машҳур маҳалласи эди... Тошкент шохбекати атрофлари-чи? Машҳурри жаҳон Лабзак маҳалласи-чи? Бешёғоч даҳаси атрофлари-чи? Ёки Эски шаҳардаги маҳаллаларни ким хўрсиниш билан эсламайди! Қандайни кўрсам, қандайни масъум, қанчалар ўзига хос эди уша масканлар?!

Менинг хотирамда муҳрлини қолгани Тошкентимиздаги дарахтлар эди. Улар уйлاردан баланд эдилар. Маҳаллаларни кесангиз олмасорда, олчазорда юргандек сезардингиз ўзингизни. Ушалардан ҳам хўрсиниқ қолди, холос.

Эзилладан аввалги Тошкент манзарасини тўла тиклаб беришга, барибир, оқналик қиламан. Одамлар ширин сўз эди. Одамлар фидойи эди. Одамларда виждон унғоқ эди, серган эди. Шаҳар худди болалардек қувноқ, минга кирса ҳам навиҳорон кўринарди.

1966 йил 26 апрель тошғотари.

Ер қатридан келган гулдуродан мудроқ шахри аям сесканиб кетди. То ўзига келгунча ёввойи бир куч уни кўтариб ташлади. Шаҳар беҳол бўлиб, чўкиб қолди. Бир зумда барча гузалликлар барбод бўлди. Виргина бу жойлар эмас, шахримизнинг кўплаб мавзелари ваиронага айланди. Тошкент бағри боласи тортиб олдинган оналар бағридек ҳувуллаб қолди.

Барча нарса кўз ўнгимда рўй бера бошлади. Бульдозерлар вағиллаб ишлар, барча баробар шаҳарни қайта тиклашга отланди. Сал фурусатдаёқ уша мен билган Лоҳутий кўчаси, бошқа кўчалар бўйлаб пойдевор ҳандақлари қавлана бошланди.

1966 йил 26 апрель.

Сен шахримга нима бердинг? Қўнғилларда, шахрим кучоғида қандай ҳолатда қолдинг? Энг аввало шаҳар қурилиш майдонига айланди. Чанг-тузон осмону фалакка ўрланди. У маҳаллани бу маҳалладан, у хонадонни бу хонадондан ажратиб бўлмади қолди. Ҳозир ҳам тепадан қаралса кўтарма қираниб фидел хар тумани осилтириб турилади. Шаҳримизда бўтун бошли даҳазор бунёд бўла бошлади. Вирдан бири кўрсам, азамат бинолар шаҳарни тўлдирди бошлади. Соқингина шаҳар бирдан арининг уясидек гала-товурга тўлиб кетди. 14 республикадан қурувчилар келди. Шиддат билан уй-жойлар қад ростлай бошланди.

Она шахрим! Сенинг ҳозирги қиёфанинг кўриб, ҳам завқча, ҳам ҳасратга тўламан. Завқча тўлишим: одамлар оқибатли экан. Сал кун ўтмай Чилонзору Сергели, Юнусободу Қорақамши, Ибн Синою Қорасув, Янгиободу Феруза сингари даҳазор бунёд бўлди. Қозоғу қирғиз, тожикгу туркман, русу украин «менга нима» деб қараб турмади. Ишлади, уй қурди. Менга қолса, сенинг ҳозирги даҳазорининг Меҳр-муруват, Оқибат, Дўстлик, Бирдамлик деб номлаган бўлардим.

Эзилла сабаб бўлиб шахримиз кенгайди. Бағри яиради, ўнлаб ажойиб, таърифнинг қилса қилгудек, Боғи Эрамдаги қасрлар билан беллашгудек бинолар саф тортиди. Янги янги боғлар, хиёбонлар барпо этилди.

Хўш, шу бинолар, Тошкентнинг ажойиб қиёфаси ўзидан ўзи яралиб қолдики, ахир кимдир, кимлардир кеча-кундуз ухламай, ширин жонига азоб бериб, жон куйдиргандир? «Минг қўшчига бир бошчи» дейди халқимиз. Албатта бу ишларга халқ ироқаси, бардоши билан эриди. Лекин уша йиллари ва уздан кейин ҳам қурилиш ишларига ким болчилиги қилгани, жон куйдиригани айтиб ўтирмасан ҳам кундек раҳиман. Бу табарруқ, зот Узебекистоннинг чин фидойиси бўлиб, юксак лавозимда узоқ йиллар ишлаган Шароф Рашидов эди.


Ҳозир ҳам она шахрим бағрини кезар эканмиз, мухташам Халқлар Дўстлиги саройини, метро бекатларини, улувбор Чорсу мўҳомонхонасини, Мустанқиллик майдонини, Кинчўк уйини, циркни, Эски Жўвадаги усти ёниқ бозорни кўрганамизда Шароф Рашидовнинг муноси қиёфаси кўз олдимизда намоён бўлиши табиий. Ёки Самарқандга, Вухорога, Қаршига, қўнғинчи, қайси катта шаҳарга йўл олсангиз, босиб ўтганингиз катта текис Тошкент Халқа йўлини бир эсланг. Жонингиз озор чекмайди. Йўл қурилиши бошланганда маҳалламиздаги мўйсафид Раҳим ота:

— Мен ҳам уша қурилишга олиб борявлар, умрим эйда кўча чангилиб, қиңида лойга боғиб ўтди. Уша қурувчиларини бир кўриб дуо қилиб келай, — деди.

Отaxonни олиб боришди. Раҳим ота уша ердати шиддатли меҳнатни кўриб, ҳанг-манг бўлган эди.

Барача топсин, подшоимиз, — деган эди Раҳим ота. — Шунинг яхши билинларини излаш лозим йўл қуради, кўпник солади, шаҳар тиклайди. Подшоимиз, инки дунёда ҳам асло кам бўлмайди!

Бу сўзлар Шароф Рашидов шайига айтилган минималдорлик сўзлари эканини изохлашга ҳожақ бормиқан.



Шароф Рашидовнинг Тошкент шаҳри бағридаги излари нурли эдилар. Бу излар шундайин нурлики уни фақат широна таъриф-таъсиф этиш керак, холос...

Бироз ҳақида ҳамда сано ўнгандан кўра аниқ икки оғиз сўзини айтган яхшироқ. Шароф Рашидовнинг номини юрагидан саяқла келатганлар озуначамиз. У табарруқ зот ўзининг камтарлиги, одамийлиги, самимийлиги билан халқимиз қалбига, она заманимиз қалбига абадий барҳайт қолди.

Тошкент шахрининг қурилишлари ҳақида Шароф Рашидов билан бирга кўп ҳамнафас бўлган машҳур метром Сооир Одилов, Мухтор Ҳабибуллаев, Тўлаган Набиевлар мароқ билан ҳикоя қилдилар. Вугун биз Тўлаган ақанинг дил сўзларига қўлоқ тутамиз.

ТЎЛАГАН НАБИЕВ ҲИҚОЯСИ

— Мен уша йиллари «Главташкентстрой» қурилиш бош бошқармасида раҳбар лавозимларида ишлардим. Тошкентда биронта қурилиш бўлмагани, ҳўрматли Шароф Рашидов ташаббус кўрсатмаган бўлсин, Шаҳардаги ҳар қандай қурилишга у киши жуда катта эътибор берад эди. Ҳар уч ойда ё Бюрода, ё Котибхонада қурилиш масаласи кўтариб чиқиларди. Шароф Рашидов учун қурилатган бинонинг катта-кичиги йўқ эди, ҳаммаси бирдек аҳамиятли бўларди. Гапинингиз исботи учун бир воқеани айтилай: ер қимирлашдан кейин Октябрь мавзесига аҳоли талаби билан чойхона қурадиган бўлдим. Жуда унча хашамдор ҳам эмас, темирбоқ ва қални қиңиқ тахталардан иборат бўлган. Чойхонанинг очилишига Шароф Рашидов қатнашган эдилар. Отахонлар билан аича




ка чиқарди.

Тўлаган Набиевич, — дер эдилар доим, — Тошкентда уй-жой қурилишини қўлайтиришимиз, уни йилга камда 1 ярим миллион квадрат метрга етказишимиз керак, — дер эдилар. Бу кўрсаткичга етолмайду, лекин 1 миллион квадрат метрли марраин заот этган эдик.

Шароф ақанинг ажойиб бир фазилати бор эди. Қаердан баланд қаватли иморатлар қурилса, албатта, шу бинонинг энг юқори қаватига чиқиб, шаҳарни кўздан кечирардилар. Бир сафар Чорсу мўҳомонхонасининг томига чиқдилар. Орғларидан биз ҳам кўтарилдик.

— Қўрайсизларми, — дедилар Шароф ака. — Хўш анави ерга янги усти ёниқ бозор кураимиз. Мана бу томонга эса турар жой бинолари кураимиз. — Кейин бир биночи кўрсатди сўрадилар. — Анави бино қаср? — Қасрлигини билгач, қўнғилларида турган фирсини бизга изҳор этардилар. Тепадан шахримиза худди қафтда тургандек кўришиб турар экан. Сўзларининг охирида қўшиб қўйдилар: — Эски Жўва чет эллик саяҳлар кўп келадиган жой. Бу ердати бинолар, айниқса, гузал бўлиши керак. Келатганлар орасида яхши ниятли киши ҳам бор, ёмон ниятлиги ҳам бор. Юртимиз чет элларда гап-сўз бўлиб қолмаслики керак. Телевизиорага ҳам чиқардилар. Сиччиқлаб кўриб бўлганларидан кейин:

— Бу минорани кўрсатуларини қўлайтириш учун кураимиз, — дедилар. — Бу айни пайтда матълум маълумда халқаро қимматга ҳам ога. Телевизиора ишга тушгач, қардош республи-



— Шу бинога мослаб кўчанинг ўнг тарафи-га ҳам бир кўп қаватли уй қурилса қандай бўларкин?

Лойиҳачилар жим қолди.

— Шароф Рашидовнинг, дедим мен. — Агар рўхсат берилса «Главташкентстрой» ўзига бино кўриб олади.

— Жойингиз йўқми? — сўрадилар Шароф ака.

— Йўқ, изарада ўтирибмиз, — дедим мен. Шундай қилиб Шароф ақанинг оқ фотиҳаси билан «Главташкентстрой» мухташам бинога эга бўлган эди. Бино битангдан кейин Шароф ака келиб кўрдилар.



— Барнор битта жойи чалага ўхшайди. Қурувчи бўлиб биронтаимизнинг хаёлимизга келмабди.

— Бинонинг устига чиройли қилиб бекирим тож кийдиракс бўлмасмикин, — дедилар Шароф ака.

Темирдан ишлаб бўлмайди, гишдан тиклашнинг иложи йўқ. Бинонинг томи ёпилган. Охири эломидан ишлаб Шароф ака айтган тоқни ўрнатганимиз. «Узебекистон»нинг биноси, айниқса, Халқлар дўстлиги майдонининг ўнг томонидаги тўққиз қаватли турар жойларини Шароф ака жуда еқтирардилар. Ҳаминча:

— Узебекистоннинг тарихига, меъморичилигига шу биро жуда мос. Шунга ўхшатиб қурилса эди, — деб айттардилар.

Шароф Рашидов Тошкентни жуда ҳам обод, кўрсам шаҳар қиёфасида кўришни ис-тардилар ва бу ёйда ҳўрмай-тоғмай ишларидилар. Бу кишининг орқуларини жуда кўп эди. Мустанқиллик майдони, метро, Анҳор соҳилидаги



дов орқуларининг ушалиши ҳамдир...

ШАҲАРНИ кезиб юриб, мухташам биноларга сафтин тикиламан. Назаримда бинолардан Шароф Рашидовнинг уша Тошкентни жон-дилдан севган, уни энг гузал шаҳарга айлантириш орасида ёниб яшаган улуг инсонинг нурусини чехрасини кўргандек бўламан. Шунда хаёлимдан кўплаб гаплар кечади. Она шахримга шундай дегим келди.

Ингирма беш йил нарида қолган эзиллани ўйлаб бир нарса юрагимга таскин беради. Одамлар қўлини қўлга берса нафақат шаҳар қурилиши, ҳатто ер шарини айлантириб қўйиши мумкин экан. Бизнинг халқларимиз эзилла туғайли Тошкентда бирлашиб, дўстлик қўларини бир-бирларига узатдилар.

Яна шундай дегим келди: эзилла, майли, табиатнинг боласи, шўхлигини қилверадди. Лекин юракларга оқибатендидан, диянетендидан эзилла тушмасин.

Яна шундай дегим келди: ўтган кўннинг халотлари келажакнинг сабоқларидир. Ўтган кундан ким қандай сабоқ олди; бу менга аён эмас. Лекин бир нарсани хоҳлардим: анди эзилла бўлмасин. Меҳр-муруватли бўлайлик.

Шаҳрим кўчаларини сархуш хотиралар бағрида энтиниб кезаман. Худди шундай, Шароф Рашидовнинг унғоқ руҳи ҳам ҳар бир гўша, ҳар бир ҳибода кезиб юрибди, — насаримда. Она шахрим кучоғида қолган орқулардан абадий арвоқ бўлиб қолмаётганидан, аста-аста ушлаётганидан шодон одимларини назаримда.

Темур УБАЙДУЛЛО.

1974 йил. Собик совет даврида Узебекистоннинг эллик йиллик тўйига тайёргарлик кўрилатган бир пайтда музейимиз янги бинада иш бошлади.

Атқори даялат ва жамоат арбоби, республикамиз раҳбари Шароф Рашидов марказий қўрадаги бир гуруҳ тамоҳорлар билан санъатни томоша қилишга келгандилар. Худди, оддий одамлардек ҳаммамиз билан кул улатиб сўрашиб, экин олдига оламни кифтида кўтариб турган италиялик инкодор Томазо Соларинг «Атлантик ҳайкалига қараб: «Ха, инсондан кучли нарса йўқ», деб қўйдилар. Сўнг иккерига кирикдилар ўзбек ҳайкалтарошлари Ҳ. Хуснидинқўжаев, М. Мусебқошиқовнинг «Тошкениб дарбоз» ҳайкалини томоша қилди:

«Халқимиз дарбозликини кўриб ақтиради. «Осиелсег, баланд дорга осил, овинг ерга төгмасинга деган ҳикмат ҳам шу тўрайли ўйлаб топилган бўлса керак», деб ҳазиллашиб қулиб қўйдилар.

Музей янги бинада иш бошлаган йиллари ниҳоятда гавжум, томошобинлар кўп эди. Бундан ташқари хоналар бўйлаб сабоқ уюштирилар, мазрузалар ўқилар, санъаткорлар билан учрашувлар ташкил этилар, санъатга оид фильмлар намойиш қилинар. Кўплас, халқ ходимлари тиним бўлмади. Ҳар кун музейга инки-уч

Шароф Рашидов умрининг сўнгги йилларида иккинчи марта таъбир буюриб, халқ санъатини яна бир бор томоша қилиб, янги музейларимизга кўриб, беҳад хурсанд бўлиб қайтардилар. Раҳбаримиз биринчи навбатда гилемини эслаб, бу санъат жуда қадимий эвонлиги, шу билан бирга жувордан ҳам ўлиб-тошиб таъбирландилар. Соҳибқирон Амир Темур тахтага инкирдан олдин халққа ҳалол хизмат қилишга шу наमत устида ўтириб қасамд этганини унутиб бўлармиди, ахир.

Шароф Рашидов санъатга меҳр қўйган буюк инсон сифатида хотирамда бир умрга муҳрлини қолганлар.

Маҳмуд РАМАЗОН ўғли.

«ЗАМОН, ВОҚЕАЛАР, ТАҚДИР»

ТЕЛЪМАН номидаги маданият ва истироҳат боғида атоқли даялат ва жамоат арбоби, ўзбек халқининг секинли фараиди Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишланган «Замон, воқеалар, тақдир» деб номланган театрлаштирилган сайл бўлиб ўтди. Ташкилотчилар ҳаётини саҳналар, бўлиб ўтган воқеалар, Узебекистон ва Рашидов ҳаётига боғлиқ театрланган кўринишлар орқали Шароф Рашидов ҳаёт йўлини тўла анс эттиришга ҳаракат қилдилар.

Шу кунни боғида ташриф

бу юрганлар мажмур қизқарча томошадан мамун бўлишди. Кечага Узебекистон ёзувчилар уюшмасидан ташриф буюрган артистлар, Узебекистон театр ароборлари уюшмасидан келган артистлар, Узебекистон бастакорлар уюшмаси вакиллари Шароф Рашидов ҳаётини хотирларидан сўзлаб бердилар. «Тарона» воқал-чолту дастаси янги таъйерланган «Узебекистон дейдилар» деб номланган адабий мусикали композицияни томошабинлар эътиборига ҳавола этди.

Булардан ташқари Ҳамза номидаги Республика мусика билан юрти ҳамда Тошкент Даялат консерваторияси талабаларини ҳам катта концерт дастурини намойиш этдилар. Одилом қўнғунга қадар боғ узар Шароф Рашидов асарларидан парчалар, унинг ажойиб шеърлари, шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар янгради.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ, Узебекистон Республикаси Маданият ишлари вазири-нинг ахборот маркази ходими.

О Вундан уч йил илгари Тошкент педагогика билим юрти тажриба тариқасида коллежга айлантирилган, таълим тарбия жараёнини шакллантириш, моддий-техника базасини яхшилашга эътибор ортиди. Мазкур ўқув йилда, бу муассасанинг биринчи битирувчилари мактабларга йўл олдидилар. Шу кунларда эса билим юртининг 70 йиллик тўйига қизғин тайёргарлик қилинпти. Мухбиримиз Тошкент педагогика коллежининг директори Мунаввар Исмолова билан суҳбатда бўлди.

— Мунаввар опа, асосий вақтингиз доимо қизлар орасида ўтаётган, уларнинг қувонч ва ташвишларига шериксиз. Бундан хурсандми?

— Албатта, қизларимизнинг таълим-тарбияси билан шуғулланиётганимдан мамнунман. Шу билан бирга бу вақфига катта масъулият ҳам юклатди. Педагогик жамоамиз катта. Айни пайтдаги мураккаб шароитда янги-янги вазибалар, муаммолар келиб чиқмоқда. Ўз олдимида қўйган мақсадга эришиш учун тadbирлар белгиллаб, уларни босқичма-босқич амалга оширишни режалаштирдик.

— Онда қизларни воқта етказиб, уларнинг юрти-турини қўзғоқ бўлиб бориш қачонлик маънақатни эъланишнинг ота-оналаримизга яхши билишди. Сизлар эса ана шундай масъулиятни вазифангиз узинмангизга олгансизлар. Тарбияда муайян қийинчиликлар сезилмаётган бўлса керак?

— Қийинчиликлар етарли. Масалан, коллежимиздаги ётоқхоналарда турли вилоятлардан келган талабалар турнида, Улар билан муносабат тарбиявий ишларни олиб бораемиз. Оқибатини айтиш керак, бу қизлар халқ шайхона ҳаётига кўникилмаган, ёшлар 15—16 да, Тошкентдек шаҳри азиямга элли келиб қолган. Шунинг эътибори олиб, бир-кетин ой мобайнида шаҳар ҳаёти, юрти-турини ҳақида маълумотлар берамиз. Бундан ташқари, ўқитувчилар, синф раҳбарлари ва тарбиячилар дастлабки ўқув даврига мўлжалланган тadbирлар ишлаб чиқишди. Бунда юқори курс талабалари яқиндан ёрдам берадилар.

— Тошкент педагогика коллежи республикамиздаги нуфузли муассасалардан бири ҳисобланади. Ўн пайтлар ўзингиз ҳам мазкур билим юртини битириб чиққаннгиздан хабаримиз бор. Айгинчи, ўша давр билан ҳозирги вақтингиз таққослаганда қандай ўзгаришлар рўй берди?

— Тўғри, мен шу билим юртини бундан 22 йил олдин битирганман. Ўша

кезлардан фарқи шундаки, биз ўқиган вақтда бу муассаса пойтахтимизнинг «Ўқити» маҳалласида жойлашган эди. Ўша вақтда катта эмас, ўқувчиларнинг сонига ҳам кам бўлган. Ҳозирги кунга таққослаганда бўлса, андиқликка катта, шинам бинога кўчиб келганимиз. Ўн неча ўқув корпуслари, ётоқхона, ошхона, катта ва кичик мажлислар заллари бор. Яна бир томон, қизларимиз андиқлик демократия, ошқоралик шароитида таълим олишатипти. Улар олдинги даврдан фарқи Уларок, ўз фикрларини оқинг айта оладилар. Ўқитувчилар билан беамалол баҳslashиши-

* Келажакимиз — мактабда

ТАЖРИБА САМАРАСИНИ БЕРМОҚДА

моқда. Энг қувончлиси, биз кўп нарсаларни ўқувчилар билан биргаликда ҳал қиламиз.

— Ўқувчиларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг аҳоли тўғрисида ҳам гапириб берамиз.

— Бу масалага ҳукуматимиз раҳбарлари, Президентимиз жуда катта эътибор беришди. Талабаларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида бир неча Фармонлар эълон қилинди. Ҳозирги кунда улар охирилган стипендиялар олишатипти. Ётоқхонада яшовчи қизларимиз кунига уч маҳалдан теккин овқат билан таъминланган. Бундан ташқари, кўргазмали қўроллар, китоб-дафтарлар олиш учун маблағимиз етарли. Билим юртида катта кутубхона бор. Ўқувчилар қизиқиб таълим олишса бўлгани, улар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди.

— Келажакда муаллим бўлиш орузида билим олаётган қизларимизга қайси фанлар ўқитилипти, улар мусиқа, бадиий ижод, фойдали меҳнат билан ҳам шуғулланадиларми?

— Шу ўқув йилидан бошлаб коллежimiz республика халқ таълими вазирилгини томонидан тасдиқланган янги ўқув режаси бўйича иш бошладик. Унга кўра, янги фанлар киритилган. Булар: Ўзбекистон халқлари тарихи, Одобнома каби энг керакли ва зарур бўлган фанлардир. Бундан ташқари, бизда мусиқадан ҳам сабоқ берилди. Шунинг унутмаслик зарурки, коллежи-



мизда бошланғич синф ўқитувчилари тайёрланади. Шу боис улар учун керакли бўлган барча фанларни тўла-тўғи ўқитишга, пухта сабоқ беришга ҳаракат қиламиз.

— Мактабларга янги ишга борган ўқитувчиларда ҳали тажриба бўлмайдилар, улар ҳатто режа тузишни билишмайди. Фойдали маслаҳатлар, тавсиялар акс эттирилган қўланмалар, дарсликлар эса йўқ. Бу ҳақда сиз қандай фикрдасиз?

— Оқибат, сиз долзарб муаммони тилда олдингиз. Ҳақиқатан ҳам, бу бугунги кунда барчамизнинг ўйлантираётган масалалар. Биз ўқувчиларимизга усулбу дарслари давомида мактабга борганда ишнинг нимадан бошлаш кераклигини тўлиқ тушунириб боришимиз. Ҳозир қийин давр. Дарсликлар, дастурларни яратиб учун вақт, маблағ керак. Тўғри савол бердингиз. Коллежини битириб, мактабга борган қизларимиз дастлабки пайтларда нима билан машғул бўлишларини билмай қолдилар. Усулбу ўқитувчиларимиз билим бераётганда бунга катта эътибор беришлари, мутахассис олимларимиз эса дастурлар яратилари зарур.

— Коллежининг бошқа ўқув юртлиридан асосан қандай фарқи бор?

— Оқибат, ўқув юртига қараганда, бизда юқори билим берилди. Бу ерда умумтаълим мактабларининг XI синфини битириб келган қизларимиз таҳсил олишатипти. Ўқув режаларига олий ўқув юрти предметлари киритилган. Қизларимиз олий ўқув юртига қайи кабинетларга таълим олишатипти. Бундан ташқари, олий гуруҳларда таълим олаётганлар талаба деб юртилади. Билим юртида улар институт даражасидаги стипендиялар билан таъминланганлар. Уштурулган тadbирлар ҳам шунга яраша.

— Кейинги пайтда ота-оналар ўрта-сида бола тарбияси билан кўпроқ ўқитувчилар шуғулланишга керак деган гаплати тушушга пайдо бўлди. Педагогик жамоа ота-оналар билан ҳамкорлик қилишатипти?

— Ҳа. Бусиз таълим-тарбияни олиб

бориш жуда қийин. Фарзандларимиз тарбиянинг бошини аслида оилада олишатипти. Шунга қарамай, жамоамиз ота-оналар билан узвий боғлиқ. Биз имкония боришга ҳамкорликда иш олиб боришга ҳаракат қиламиз. Қизларимиз орасида узоқ вилоятлардан келиб, ўзларини эркин ҳис қилаётганлари бор. Улар асосий вақфига ўқити эканлигини унутиб қўйишди. Ён-ғоридан танширганининг таъсирида ўқитиш ташлаб кетганлар ҳам учраб турибди. Шунларини эътиборга олиб, ўқув йили давомида инки мароуба ота-оналар мажлиси ўтказамиз. Бу бизнинг умумий режамизга кирган. Бундан ташқари, ҳар бир синф раҳбари алоҳида ота-оналар билан узрашиб туради. Муаммоларимиз талайгина. Шулардан бири — коллежда таълим олаётган қизларимиз барвақт турмушга чиқишатипти. Оқибатда бу уларнинг билим олишлари ўзининг салбий таъсирига кўрсатмоқда. Мана шу ва бошқа масалалар оқибатда ота-оналар билан келишиб олишатипти.

— Сизларда қизлар таълим олишатиётган тўғайли тартиб-интизом жуда қаттиқ талаб қилинади, дейишди...

— Тўғри. Лекин ўзимиз талабимизни кучли деб ўйламаймиз. Чунки сабаб-сиз дарс қолдириш мумкин эмас. Дарс вақтида бошқа нарсалар билан машғул бўлиш ҳам. Ўқитувчиларимиз қизларнинг ўқитиш ва бўш вақтларини қатъий назорат қилишатипти. Ҳар битта сабаб-сиз қолдирилган дарс устида ота-оналар билан биргаликда иш олиб бораемиз. Ўқувчи қолдирилган дарсини алоҳида машғулота ўзлаштириши керак. Бунга, албатта эътибор берилди. Биз бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаётган эканмиз, уларнинг юрти-турини, муомаласи, қийинчилиги ҳам катта эътибор беришимиз зарур, деб ҳисоблайман. Шу боисдан бўлса керак, билим юртига кириб келишимизда осойишталик ва орасталик сезилади.

— Мунаввар опа, келгусини йилда сиз раҳбарлик қилаётган муассасанинг 70 йиллик тўйи нишонлангани кутимиз. Бу таштанга қандай тайёргарлик қилинатипти?

— Коллежimiz республикамиздаги энг кенес педагогик ўқув юртиларидан бири ҳисобланади. Тантанга алоҳида тайёргарлик қўриямиз. Шу ўринда байрамга бағишлаб танловлар, спорт мусобақалари, олимпиадалар ва бошқа тadbирлар уюштирилаётганини айтиб ўтишим зарур. Масалан, яқинда гуллар танловини ташкил этдик. Насиб қилса, шу ўқув йилининг якунида катта мажлислар залида аjoyиб байрам кечаси ўтказиш ниятимиз бор.

— Суҳбатимиз давомида бидирган фикр ва мулоҳазаларингиз учун катта раҳмат. Қўнглингизда яна қандай айтилмай қолган оруз-истакларингиз бор?

— Истакларим жуда кўп. Биз бу йил коллежimizнинг биринчи талабаларини чиқарамиз. Улар Тошкент давлат муаллимлар тайёрлаш институтида ўқитиш давом эттиришса ҳамда олий маълумот олишса. У ерда талабалар билим юртида яхши тайёрлаш бидирилса биз жуда хурсанд бўлув эдик. Шу кунгача ҳам бундай тиллар акс эттирилган ҳоллар мактаблардан олиб турибмиз. Коллежини битириб чиққан талабалар бор куч ва мақоратларини ишга солиб, келажак аjoyиб тарбиясига муносиб ҳисса қўшишларини тилаб қоламиз.

Суҳбатдош Саъдулла ШОДИЕВ.

СУРАТДА: Тошкент педагогика билим юртига тугаллаб, бу йил пойтахтимиздаги 254-ўрта мактабда бошланғич синф ўқувчиларига таълим бераётган Ёш ўқитувчи Назолат Абдуллаева дарс п... тиди.

Рашид Альбеков ва Алда Чалигина сураглари.



УЗБЕКИСТОНДА илк бор ташкил қилинган кўриқхоналардан бири Зомин тоғ-ўрмон кўриқхонасидир. Бу кўриқхона 1929 йилда ташкил этилган бўлиб, биринчи табий экологик лаборатория вазирасини баъжара бошлади. Ўша даврда у «Гураляш» кўриқхонаси ҳам деб аталар эди. 1960 йилга келиб «Зомин тоғ-ўрмон кўриқхонаси» номи билан қайта ташкил этилди. Бу кўриқхона табиатнинг гузаллиги, иқлимнинг аjoyиблиги, тупроқ қатламнинг чириндига бойлиги, сувининг зиллолиги билан Ўзбекистон табиатининг дурридир.


Кўриқхонанинг умумий майдони 15600 гектар бўлиб Туркистон тизма тоғи гaрбий қисмининг шимолий ён бағрида жойлашган. Шимолий томондан Жиззах вилоятининг Баҳмал, Зомин ва Галлоорол районлари ерларига чара Бориди, жанубий томондан Тошкент Республикаси билан чегарадош. Кўриқхонада табиатни муҳофаза қилиш билан бир қаторда бу ерда кенг миқёсда илмий-тадқиқот ишлари ҳам олиб борилмақда, бу ишларни баъжаришда кўриқхонанинг 20 дан ортиқ ходим ва ишчилари Ўрта Осиё ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтини олимлари билан яқин ҳамкорликда илмий эланиб, табий ҳолатда ўзларнинг ўзларини муҳофаза, уларнинг ривожланиш жараёнини ўрганидилар, айниқса муҳофаза қилиш масалаларини жуда ҳам пухта ва ҳар томонлама аниқлаш охирилди.

Кўриқхона атрофида тоғ табиатининг аjoyиб обидалари, ранг-баранг оромбахш, яшил-босса бурканган дехазлар, кир ва баҳмал адирлар жойлашган. Иқлим ўта континентал бўлиб, суткалик ва умумий йиллик ҳаророти кескин ўзгариш туради. Кўриқхона рельефининг хилма-хиллиги, иқлим шароитларининг ўзгаришчанлиги ва набототнинг турли-туманлиги бу ерни гўзал ва ноёб табиат маскани деб ҳисоблашга асос беради.

«Қирқиз қалъаси» Моргузар тоғининг шимолий-шарқий қисмида сулим ва оромбахш манази бўлиб, уни халқимиз «Сулу» деб атайдилар. Ҳақиқатан ҳам бу ер атрофини жойлардан анча баланд, тик қояли, усти текис бўлиб, тоғ сатҳига нисбатан қараганда айнан сулим эслатади ва мутлоқ баландлиги 2500 метрни ташкил этади. Унинг шарқий чегараси Қашқар сулим ҳавзаси билан, гaрбий эса Хатирчи довоининг гaрбий қисми бўлиб ўтади.

* Юртимизнинг сулим қисмлари

ЗОМИН АЖОЙИБОТХОНАСИ



баланд тоғлиқ қисмларда, тоғнинг оғир иқлимий шароитига мослашган оқ япроқ, қоқбош тоғ, қизилтоғ, эскерпориц ва бошқа ранг-ранг ўсимликлар ва 3000 метрдан юқарида муҳаббат гул — эдельвейси учратиш мумкин. Кўриқхона ва атроф-муҳит ишлари тўғрисида Ўзбекистон Фанлар академиясининг илмий ходимлари ерли мутахассислар билан суҳбат ва фикр алмашиб турадилар.

Суланинг баланд қисмларида муҳимизакор табиатнинг узоқ йиллар мобайнида олиб борган бунёдкорлик маҳсули тез-

тез учраб туради. Бу ерда юзага чиққан қадимги тоғ жинслари табиатнинг ҳар хил омиллар таъсирида нураган, эмирланган, тешилган ва силлиқ қилиб ташланган шакллари, афсонавий тарздаги тоғ ва қояларнинг уратиб шувки. Тоғнинг баланд қисмларида катта-катта зарсонлар, гaрлар,

висолига ташна йиғит севиклисини узоқ йиллар тинимсиз из-ралайдилар. Ниҳоят у дилдорини топа олмай қархотан қишда қорлар орасида музлаб қолади ва тошга айланади. Бу халқимизнинг ўз ерига вафодор йиғитларни тўғрисидаги ривоятидир.

«Куватошнинг баландлиги ва кейинчалик бу жерабга ёлғир, шамол каби куч таъсирида нураб ҳозирги шаклини олган. «Куватошнинг геологик сана бўйича ёши катта эмас, «антиг» 10 минг йилни ташкил этади.

Ўзбекистон ҳауадада бундай «сирли» шакли тошлар, аjoyиб табий архитектура ансамбллари учраб туради. Ана шундай табиатнинг ноидир масканидан Қизил турсийо ҳавзасида Гураляшнинг ўнг ирмоғи бўлган Моргузар ва Туркистон тоғларининг тугаллаб жойидаги «Қирқ гузал» ёки «Қирқиз қалъаси», «Сават кўтерган келинлар» каби гaрбий обидаларни кўришимиз мумкин. «Қирқиз қалъасининг тошга айланган ривоят, албатта. Лекин ҳикоянинг қолган қисмларига келсак, унинг асосида маълум даражада тарихий ҳақиқат ётиши керак. Ривоятларда айтиладиган пахлаван қишлоғининг ўрни ҳозир ҳам бор. Унда кўхна ҳаробалар ҳали ҳам учрайди. Халқ бу эски қишлоқ жойлашган ҳавзани ҳамон Палахамансий деб атайдилар. «Қирқиз қалъасининг табий равишда пайдо бўлишнинг куйидаги айтиб бериш мумкин. Бу қалъа палеоген даврининг охири ва неоген даврининг бошида ҳосил бўлган жинсларнинг ҳар хил қотишмаларидан тузилган. Кейинчалик уларнинг сатҳи қайи ва юшмоқ ётқиқлар билан қопланган, тўртламчи даврда юз берган тектоник ҳаракатлар натижасида тоғлар ўсган, айни вақтда уларда эмирилиш — эрозия жараёни кучайган. Бу қатлам тағидан неоген даврининг жинслари юзага чиқди. Ташки кучлар таъсирида уларнинг нураши янада тезлашди, шамолларнинг беқарор ҳаракати, эрозия жараёни ва бошқа кучлар қояларни силлиқлаб тарашилади. Бундай кучлар узоқ йиллар давомида юзага чиққан неоген ётқиқларидан ҳар хил шакллари ҳосил бўлишига сабаб бўлди. Бу қўрғоннинг пайдо бўлишида ҳам ҳеч қандай хилоф ҳук йўқ. Унинг муҳим мўъжизакори табиатдир. Бундай табиат масканиларини ўрганиш, уларнинг келиб чиқиш қонуниятларини енчиш ва сақлаш ҳозирги замон талабидир.

Чем БОРИСОВ, Бақодир БАҲРИТДИНОВ, Ўзбекистон Фанлар академияси география бўлими ходимлари.

СУРАТЛАРДА: Зомин кўриқхонаси манзаралари.

ХАЛҚИМИЗ қадим замонлардан бери қурилган уйларидаги тоқчаларни чинни буюмлар: чойнак, пиёла, коса, лаган, лилопка, тақсимча каби рўзгордор идишлар билан безатиб келишган. Бизнинг тилда «чинни» деб аталанишнинг боиси бу ноёб хазинанинг «Хамса»сида тилга олинган Чин мамлақати — Хитойда пайдо бўлган ва номи оламга машҳур бўлган экан.

Эрамининг аввалиг асрларидак Шарқнинг йирик мамлакатларидан бири Хитойда турлари ривожланиб, шу жумладан чинилар ҳақида маълумот ва ривоятлар бор. Дастлабкилари сопол идишларга ўхшаш ясалиб, сўнг остоғба ёйиб қуртилиб, оддий ўчоқларда пиширилган. Кейин эса, маҳсул пеллар кашф этилиб, юқори ҳарорат — бир минг тўрт юз градусда пиширилибди. Шоҳ саройларини безаш учун хум, хумчаларни эслатувчи катта, кичик, нақшли, тиниқ, табиат манзаралари тасвирланган гулдонлар яратилди. Чинни саломатликка қони фойда келтириши, яхши дам олишда нафосатга бой эканлигини хитойликлар биринчилардан бўлиб билишди. Меҳмонхоналари асосан чинни буюмлари билан безатиш одат тусига йиради. Усталар бири-бирдан гўзал, нафис чинни идишлар яратиб беришди. Уларда сир сақлаш, тертиб-интизом шундай қаттиқ эдики, бундай ирода, одат ҳеч бир мамлакатда йўқ. Мабодо, бирор кул ол яқовлик ёки айёрлик қилибми, чиннисозликда сифатни пасайтириб юборса, айнан шу устани тоқиб олиб, жазаго маҳкум этилган — тириклайин пелга ёйиб юборишган. Бу ҳолини қўрғанлар хатолликка йўл қўймаслиқка ҳаракат қилишгани ҳақида маълумотлар ҳам бор.

Ордан минг йил ўтган Чин мамлақатида чинни борлигини бошқа мамлакатлар ҳам билиб қолдишди. Сотиб олинган чинни буюмларга тақлид қилиб, уларни ҳам чинни идишлар ишлаб чиқаришга ҳаракат қилишди. Ва лекин ҳеч қайси мамлакат Хитой чиннисидек баҳор ёлғирдан сўнг, берубор

ЧИННИЛАР НАФОСАТИ



осмонни эслатувчи тиниқ чинилар яратилмайдилар. Фақат Япония Хитой маданияти таъсири ва ҳамкорлигинда камол топиб, XIX асрда чиннисозликда етустоздан ўтиб кетади. Сабаби, бу мамлакатда тилга қони бўлиб, усталар туҳум пўчоғдек юлқа, жарангдор чинчиларига олтин суви югуртириб, баҳор кўринишлари акс этган буюмларни безаб, дунё халқини танг қолдиришди.

Гaрб ва Шарқ мамлакатлари орасида дўстлик алоқаларини беаган касб — чиннисозлик эди. Европа мамлакатлари чиннидан халқ ҳаётини ҳикоя қилувчи илчам, чиройли хай-қалчалар, буюмларга эса суратлар, расмлар чиқаришди. Табиат кўринишлари билан тўлдиришди. Шарқда эса, кўпроқ расмларга нисбатан нақшлар ўз ифодасини топган.

Ўзбек халқи қадим замонлардан бери Хитой ва бошқа мамлакат халқлари билан қўнчилиқ қилиб, иноқ яшаб келди. Қайси хонадонда бўлмасин чинни турлари мавжуд. Хитой, япон, рус чинилари ҳамон топилади. Ўзбекилар дийрда кул-полчилик ривожланиши билан чиннисозлик кейин сокиб Иттифоқ даврида бирмунча тараққий этди. Тошкентда ҳам чинни ишлаб чиқарила бошланди. Чинни заводи ишлаган буюмлар нафақат ўзимизда, балки чет элларда ҳам машҳур бўлди.

Чинчиларимизда табиат гулларидан ташқари пахта тасвирлари кўп учрайдиган бўлди. Давримиз руҳини акс эттирувчи расмлар деярли ҳамма чинни идишларда бор.

Ўзбек халқ санъатининг барча турларида бўлганидек, чинни буюмларида ҳам халқ урф-одатларини кўриш мумкин. Айниқса, диний эътиқод кучли, ўз ифодасини топган. Бироз чинни идиш сийлоқда, ачинини ўрнига «Келган Бало-қазо шунга ўради, яхшиликка синди» деб халқимизнинг. Чети учган, дара кетган пиёлага чой ичимашган. Халқимиз шунча покиза, юксак маданиятли эканликларини ҳар қадамда намойиш этиб юрган.

Қадимги чойхона, маҳалларда киши таъбини хира қилдириш идишлар мутлоқ бўлмаган. Кишлар чойхонани хуш қўришардилар. Йўқчилиқдан бўлса керак, айрилар ноилоҳ чақанига чег қалатиб, фойдаланиб юришган бўлса ҳам кўнчича ота-боболаридан қолган идишлар мерос урпаққа салқанган.

Чиннисозликда, айниқса, чойнак, пиёла уйга тушган янги келин одоб ва ҳаёсини имтиҳон ҳам этган. Чойин қандай дамлаб келтириш, қайтариш, қандай қилиб узатиш, бушаган пиёлани қандай қилиб олишдан сиводан ўтказилган.


Болалигимдан келиннинг қўлидан чой ичишга ишқим тушиб қолганимдан, ҳамон хумор қилади. Шу замон келинлари кўриниши, ҳаракати, келинлик бурчини сабр-тоқат билан баъжариши уйда турсини тўриб-туриб ним табасмузда чой қуйиб узатишдаги нафосатга бой ўйларимизни деярли унутиб қўйишган.

Бир дўстимнинг уйига никоҳ тўйидан сўнг, келиннинг қўлидан чой ичиш орузида борганимда қизиқ бир воқега дуч келдим. Дастурхон атрофида кўпчилик ўтирардик. Келин кичик чойнакда чой келтириб қувшошди. Чойнак чиройли бўлишига қарамай европача ясалган жўмраги тўмтоқроқлигидан чой пиёлага қуйилаётганда келин шўрлик тўғри қуйишга шунча ҳаракат қилмасин, чой пастга силлиқ оқарди. Пиёлаларга чой қуйган келин илгариги одатга кўра туриб, эҳтирмага бирма-бир чой узатиш, ёқимли кўринишини акс эттиришга уринаётган бўлсада пиёлани тағидан тутиб эмас, бармоқларини пиёлани четига ўйнатиб узатаверарди. Чунки пиёла тағи бармоқларга илминмаслиги маълум бўлгани учун ҳеч ким айбга қўшмас, келиннинг ўзимга бу ҳолини англаётгандек эди.

Гурунлашиб ўтирарканмиз, иккинчи пиёлага навабат келгунга қадар келин жичча-жичча қувявган бўлса ҳам чойнак бўшаб, икки-уч марта чой келтирди. Ниҳоят, келин қўлидан учинчи пиёла чой ичиш ҳам насиб этишга оз қолганда шик томонга кўзим тушди. Не кўз билан қўрайки, катта чойнакнинг жўмраги, кейини ўзи, келин ҳам кўринди. Утирғанлар бирдан қулиб юборишди. Келин ерга қараб қизариб, чойнақни аста қўрқан қайнаса: «Биситимизда сақланган қолган қадимги хитой чойнаги бу. Нақшларига қараб кинишининг сира кўз тўймайди. Бодадан бери келиннинг замонавий чойнакда чой келтириб қўнгли тулмаганидан шунга дамлабди. Катта бўлса ҳам киши хавас билан чой қуяди, жўмрагидан бир томчи ҳам чой томмайди. Энди шовшамдан, бамайилхотир ўтирaverинлар. Алнайай сиздан келинпояша, яхши шил қилдингиз, чойини қувяврингиз деди».

Пиёла четига урф-одатимизга кўра бармоқларини сира теккизмасдан дастурхон атрофида ўтирғанларга оз-оздан ҳаб, нбо, нозик таъб билан чой узатаркан, бу чой эмас, шифобахшек инсон қайғитини кўтарайди, руҳини енгилаштирайди. Бу шубҳасиз, келинга ҳамроҳ чойнак ва пиёла атрофга таратаётган чиннининг нафосати, сехри эмасмикин!

Маҳмуд АҲМЕДОВ, Ўзбекистон Давлат санъат музейининг катта илмий ходими.



Ўзбек машинаси қачон йўлга чиқади?

Оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистонда Жанубий Кореянинг «Дэу» фирмаси билан бирга...

Абдужаббор ТУРАХОНОВ, Яқкасарой райони.

ШУ йил 29 августда Ўзбекистон молия вазирлигида «УэдЭУмоторс» қўшма корхонаси рўйхатга олинди.

Варпо этилаётган бу автомобиль заводи директори Камолитдин Соҳибжонов шундай ҳикоя қилади: «Томоғларинг келишувига мувофиқ «УэдЭУмоторс» қўшма корхонаси қурилишига Ўзбекистон ҳам, Жанубий Корея ҳам 100 миллион доллардан маблағ ажратди».

Иккинчи босқич 2000 йилгача бўлган даврни эгаллайди. Бу вақтда қўшма корхонанинг ўзида двигателлар, трансмиссиялар ва бошқа қисмларни тайёрлаш ҳам ўзлаштирилади.

Хозирги пайтда бўлажак корхонада ишлайдиган мутахассислар тайланмоқда. Хозиргача бу мутахассислар гуруҳига 80 нафар яқин киши қўшилди.

Умуман олганда ишлаб чиқарилиши режалаштирилган машиналарни яқин орада юртимизда қўриш мумкин.

Маҳорат тиллапоялари Чапдаст ҳайдовчи маслаҳатлари

Хар бир ҳайдовчи давлат ёни шахсий машинасини бошқаришдан аввал махсус мактаб ёни тўғралаётган ўқини, давлат имтиҳон топшириши ва тегишли ҳужжат олади.

Лекин сизнинг кишилар машина бошқаришга гувоҳнома билан ҳайдовчиларнинг ҳаммаси ҳам маҳоратга тенглаша олмасликлари дарҳол пайқайдилар.

МАШИНАНИ юргизингизга шочилмаган. Ёнг аввало ўзингиз атрофингизни яхши кўриңизми, сизни ҳам йўлда бошқарув ахши кўра олдидан, шу ҳақда бир дақиқа мушоҳада юритиб кўриңиз.


Автомобилга ўтирган заҳоти калитни машинани юргизадиган кулфга солиңиз. Шундай қилсангиз кейинчалик калитни беҳуда қидириб овор-бўлишингизга ҳожаат қолмайди.

Муассислар: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқишми» журналистларининг жамоаси

Хоҳ тишининг, хоҳ... БЕНЗИН ЎРНИГА... МУЗ

ШВЕД мутахассислари худди шуни таклиф этмоқдалар. Аммо бунга айл бовар қиладими? Ахир икки ёниш двигатели бўлган ҳар қандай автомобиль бензиннинг кўз илғамас томчилари портлаши натижасида мотор цилиндрлари ҳудуд кучли босим ташкил қилади ва шу ҳисобга гилдираклар айланадику?

автомобилни синаш бу антиқа таклиф ҳам ҳаёл эмаслигини яққол тасдиқлади. Бу машина соатига таҳминан 50 километр тезлик билан 400 метр масофани босиб ўтди.



Мотори шу ерда бўлади, дейишарди...

Рустам Шарифов ҳазил сурати.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

МАШИНА ювляётган пайтда бензин баки қопқоғи қўлланадиган бўлса, унинг қалит солинадиган жойига тез тез сув тушиб қолади. Натиджада кулф зангларга, қишда музлашга, умуман тез ишдан чиқиб қолмоқда.

ана шу ҳавони чиқаришнинг жўнгина усули мавжуд. Бунинг учун гилдирак чиқарилиб, барабан тормозидоғи қолдоқлар ёки дисклар сурилади.

Бунинг олдини олиш учун қопқоқ устига пластмасса қопқоғини кийдириш лозим. Унга тўғри келадиганини турли қишлар қопқоқлари орасидан қидириб топиш қийин эмас.

Шундан сўнг бачоққа кераклигича тормоз суюқлиги қўйилади, қолдоқ билан барабан ёки диск ўртасидоғи ораликни тўғри қўйиш учун тормоз педали бир неча бор босилади.

ҚАЙСИ БИР сабабга кўра автомобильнинг тормоз суюқлиги қамийиб, бу системага ҳаво кириб қолган бўлса,

АЙРИҚАС қиш пайтда автомобиль ёниги бакига тушиб қоладиган сув кўпгина исорат қилади.

Хориқликлар тажрибасидан Хоҳлаган Автомобилингиз—Уч Кунда

МАНА бир неча йилдан бери Америка Қўшма Штатлари ва Япония бир-биридан мустақил равишда янги автомобиллар ишлаб чиқаришни тақомиллаштириш лойиҳаси устида иш олиб бормоқдалар.

кўра харидорлар магазинларда ўрилатган компьютерлар орқали ўзлари истаган автомобиль учун буюртма бера оладилар.

«XXI аср ишлаб чиқариш», деб номланган АҚШ ва Япония лойиҳалари эса энгил йўли ливияларидан фойдаланишни кўзда тутди.


Ишлаб чиқаришнинг америкача усули ҳам шунга ўхшашироқ. Унга кўра бутловчи қисмларни етказиб бериладиган корхоналар Ер сунъий йўлидоғи орқали компьютерлар билан ўзаро боғланган бўлади.

«XXI аср ишлаб чиқариш», деб номланган АҚШ ва Япония лойиҳалари эса энгил йўли ливияларидан фойдаланишни кўзда тутди.

Бу ҳар икки ишлаб чиқариш андозасига кўра бозордаги талабга қараб энгил йўли ливиялари дарҳол бошқа моделдаги машиналар ишлаб чиқаришга ўзгартирилиши мумкин.

«XXI аср ишлаб чиқариш», деб номланган АҚШ ва Япония лойиҳалари эса энгил йўли ливияларидан фойдаланишни кўзда тутди.

«Америка овози» радиостанцияси материаллари асосида.



Автомобилингиз бузилиб қолиб уни тирлаб кетиш керак бўлиб қолса сиз трос ёки арқонни ушиб суратларда кўрсатилгандагидек боғлаб кўриңиз.

ЙИЛНИНГ ҲАММА ФАСЛИДА

МАШИНА двигателининг узок вақт мобайнида рисоладагидек ишлаши биринчи навбатда унга қўйилган мойнинг сифатига боғлиқдир.

Воьгограддаги бу завод герман-инглиз-япон концернининг йилдан мадади билан бўлиб этилмоқда.

Тошкент оқишми. Манзилгоҳимиз: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. Шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар кунин ўзбек тилида чиқади. Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ЖАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Абдулла Тўлаганов



Тошкентдаги 1-пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Абдулла Тўлаганович Тўлаганов фойхавий вафот этди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯСИ ШАРОФ РАШИДОВ ФОНДИ

Атоқли давлат ва жамоат арбоби, адиб Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишлаб

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА 1992 йил 5 ноябрда

КАТТА ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ УТКАЗИЛАДИ Концертга сеvimли хонандалар ва сўз усталари:

Ортиқ ОТАЖОНОВ, Олмаҳон ҲАЙИТОВА, Аҳмаджон ШУҚУРОВ, Ғулможон ЕҚУБОВ, Ғиёс БОЙТОВЕВ, Охунжон МАДАЛИЕВ, Маҳмуджон АЗИМОВ, Насиба АБДУЛЛАЕВА, Муҳриддин ХОЛИҚОВ, Ботир МУҲАММАДХУҲАЕВ, Обид, Собит АСОМОВ ва бошқалар қатнашадилар.

Хайрия концерти ойнан жаҳон орқали ёзиб олинади ва намойиш этилади.

Хайрия концертига ҳомийлар танланяпти.

Концертга қатнашиб, Шароф Рашидов фондига ҳисса қўшишни истаган ташкилотлар, корхоналар, биржалар, фирмалар ўз таклифлари ҳақида олдиндан хабар беришларини сўраймиз.

«ШАРҚ» НАШРИЕТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

«Канцелярия китоби», «Ҳисоб-китоб дафтари» шунингдек турли хилдаги босма иш қозғоларини тайёрлаб бериш юзасидан

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Буюртмалар Ленинград кўчасидаги хизмат биносидан, сешанба, пайшанба, жума кунлари соат 10 дан 16 гача қабул қилинади.

АЗИЗ ҚИЗЛАР! АГАР ОЛДИНГИЗДА КАСБ ТАНЛАШ МУАММОСИ ТУРГАН БЎЛСА БИЗНИНГ ҲУЗУРИМИЗГА, Тошкент «Тўқимачилик комбинати» ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

ЎҚИШГА КЕЛИНГ!

Бу ерда сиз малакали касб эгаси бўлиб етишасиз чак юқори ҳақ тўланадиган ишга ўрнашасиз.

Бизнинг комбинатимиз — мустақил шаҳарча бўлиб, унда ҳамма нарса: тиббий-санитария қисми, поликлиника, сиҳаттоҳ, спорт мажмуи, Маданият саройи, ошхоналар, сабзавот ва озиқ-овқат дўконлари, буғ ҳаммомлари билан маъиший комплекслар, хушрўйпарварлик салонлари, сартарошхоналар муҳайё. Комбинатда танқис моллар, озиқ-овқат маҳсулотлари сотилади.

Келгусида қутиладиган ана шундай истиқбол манзаралари Сизни озми-кўпми қизиқтириб қолган бўлса, ўқиб, ишлаш ва меҳнатга ҳақ тўлаш тартиблари билан танишиб қилиңиз.

Дастлабки икки ой давомида назарий таълим курси ўзлаштирилади. Ана шу даврда ўқувчилар оинга 1000 сўмдан стипендия оладилар.

Ўқиб тугагандан сўнг бевосита комбинатдан иш берилади. Асосий касблардаги ишчиларнинг иш ҳақи оинга 3000 сўмдан 7000 сўмгача ва ундан ҳам юқори бўлиши мумкин.

Сиз шаҳар атрофидаги районларда яшайсизми? Ундай бўлса ишга ва ишдан уйга қатнашда хизмат транспортдан фойдаланишингиз мумкин.

Бизнинг корхонамиз Юқори Чирчиқ, Чиноз, Янгийўл, Қибрай, Урта Чирчиқ районларига доимий автобус қатновларини йўлга қўйган.

Ўқиб тугагандан сўнг бевосита комбинатдан иш берилади. Асосий касблардаги ишчиларнинг иш ҳақи оинга 3000 сўмдан 7000 сўмгача ва ундан ҳам юқори бўлиши мумкин.

33, 34, 45, 69, 79, 182-автобуслар; 2, 6, 13, 16-троллейбуслар; 7, 9, 11, 24, 28-трамвайлар билан «Тўқимачилик комбинати» бекатигача борилади.

Ижарадаги Тошкент «Тўқимачилик комбинати» ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Тошкент оқишми. МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқишми» журналистларининг жамоаси. Манзилгоҳимиз: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. Шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар кунин ўзбек тилида чиқади. Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ. ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76, хатлар — 33-29-70, 32-53-79; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмаҳонаси.